

The background features a complex, abstract design. It includes several overlapping circular patterns, some resembling gears or orbits. A central focus is a bright orange and yellow circular area with a blue and white checkered pattern below it. The overall aesthetic is technical and scientific, with various lines, arrows, and geometric shapes scattered throughout.

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

54.	Баходир Хасанович Маматкулов, Гульноза Норбоевна Маматкулова Абдулатиф Абдишукур оглы Шермухаммедов Преподавание физики - важный фактор формирования научного мира	386
55.	Malika Jamoldin qizi Bekiyeva Frazeologiya bo'limining mustaqil fan bo'lib shakllanishi	393
56.	Dilfuza Pardayevna Rasulova Boshlang'ich ta'lim o'quvchilarini o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish	400
57.	Feruza Inomovna Mustafoquova, Ziyodabonu Sayfulla qizi Mullajonova Chet tillarini online o'qitish va o'rganishning muammolari va yechimlari	404
58.	Xolida Baxtiyor qizi Choriyeva Sambo kurashchilarda kuch sifatini tarbiyalash metodini takmillashtirish	408
59.	Gulhayo Baxtiyarovna Pardayeva The role of online resources for teaching pronunciation	413
60.	Dilraxon Baxtiyor qizi Sirojiddinova, Shahnoza Adhamjon qizi Murodova Ingliz tilida modal fe'llarining o'ziga xos xususiyati	419
61.	Гулмжон Фафурович Курбонов, Гулшан Бахшиллоевна Камолова Умумтаълим мактабларининг математика дарсларида рақамли таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик тамойиллари	424
62.	Ислом Илхом ўгли Ахтамов Музыка маданияти дарсларида халқ музикасининг ўрни	431
63.	Матлуба Рустамовна Мирзаабдуллаева, Абдугани Муратович Муқимов Ўзбекистон ер қонунчилигида ислохотлар	437
64.	Orzikul Kadyrovich Khalilov, Abbos Nabijanovich Jumanov Structured education is a link of advanced pedagogical technology	444
65.	Ra'no Abatovna Isakova Matematika fanini o'qitishda ilg'or metodlar	449
66.	Zarifa Ismoilova, Nasiba Nasriddinova Learner Corpora and Corpus informed teaching materials for economy faculty students	453
67.	Sayyora Xabibullayevna Toshboyeva Problems of comparative-comparison method in Uzbek and world detective novels	456
68.	Feruza Salimdjonovna Maxmudova Stimulating students' reading skills through authentic materials	459
69.	Dilobar Tursunpolatovna Haytbayeva Linguoculturological features of medical terms in English and Uzbek	462
70.	Lutfiya Umurzoqovna Xoliqova A study of lingvokulturemas in historical narratives in English and Uzbek	465
71.	Nargiza Abdulxafizovna Yusupova Methods of developing simultaneous translation skills among pupils in secondary education	468
72.	Muxtasarxon Qosimjon qizi G'aniyeva Biologiya fanining boshqa fanlar bilan aloqadorligi	472
73.	Мадинахон Шухратхужа кизи Ашрабхужаева Лингвопрагматика как основа изучения взаимосвязи языка и его использования	476
74.	Malohat Abror qizi Ahmadjonova, Nilufar Ilhomovna Rejametova Musiqqa madaniyati darslari jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish uslublari	481
75.	Shakhnoza Amirovna Mardiyeva, Laylo Obloberganova Socio-psychological factors influencing the formation of leadership skills in the student community	486

Ўзбекистон ер қонунчилигида ислохотлар

Матлуба Рустамовна Мирзаабдуллаева
matlubamirza@mail.ru

Тошкент давлат юридик университети
Абдугани Муратович Муқимов
abduganimuartov59@gmail.com
ТИҚХММИ

Аннотация: Республикада экологик вазиятнинг бугунги ҳолати инсоният олдида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, ер, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлашнинг долзарб вазифалардан бири сифати қўйилмоқда. Маълумки, табиатни асраш орқали инсоният ўзини ва келажагини асрайди. Республикада сўнгги йилларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда, соҳа бошқаруви механизмини модернизациялаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Калит сўзлар: ердан фойдаланиш, ер қонунчилиги, табиий, ресурслар, атроф-муҳит муҳофазаси

Reforms in land legislation of Uzbekistan

Matluba Rustamovna Mirzaabdullaeva
matlubamirza@mail.ru

Tashkent State Law University
Abdugani Muratovich Mukimov
abduganimuartov59@gmail.com
ТИИММА

Abstract: The current state of the ecological situation in the country puts before humanity the quality of protection of the environment, rational treatment of nature, conservation of land, flora and fauna. It is well known that by preserving nature, humanity preserves itself and its future. In recent years, special attention has been paid in our country to the issues of environmental protection and rational use of natural resources. In particular, the legal framework for nature protection measures is

being improved, a number of measures are being developed and implemented to modernize the management mechanism of the sector.

Keywords: land use, land legislation, nature, resources, environmental protection

Бугунги кунда республикада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ер қонунчилиги амалиётида ер участкаларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида ёндашув талаб этилмоқда. Чунки, ер [1] ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари [2,3] талабларига зид равишда ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш каби ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Мисол учун, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан 2021 йилнинг 30 апрель ҳолатига ер ва кадастр назорати бўйича олиб борилган ишлар ҳақида берилган маълумотда ер ва кадастр назоратчилари томонидан аниқланган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари республикаимиз бўйлаб 6 799 ҳолатда жами 1467 гектар майдонни ташкил этганлиги кўрсатилган Маълумотга кўра, “ушбу ерларни фуқароларимиз ва қўштирноқ ичидаги удабурон тадбиркорларимиз... ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликлари” маълум қилинган [6]. Ушбу маълумотлар ҳали ҳам республика фуқаролари ўртасида ер қонунчилиги талабига риоя этмасдан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари давом этаётганлигидан дарак беради.

Маълумки, 2018 йил 20 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида” ПФ-5421-сон фармони қабул қилинган [5]. Фармонда “минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида яқка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган”лиги, “Фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг тил бириктириши бўйича кўплаб ҳолатлар мавжуд”лиги, натижада, ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олганлиги қайд этилган эди. Ушбу фармон “фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини” ўтказиш йўли билан муаммони ҳал қилишни кўзда тутган эди. Фармонни амалга ошириш натижасида ер участкаларини

ўзбошимчалик билан эгаллаб олган минглаб фукароларимизнинг уй-жойларига мулк ҳуқуқи берилган эди.

Юқорида кўриб ўтганимиз Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги маълумотларидан кўриниб турибдики, ерларимиз ҳали ҳам кучли ҳимояга муҳтож. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сон фармони билан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва жойларда ҳудудий кенгашларни ташкил этилиши ер ҳуқуқбузарлиги профилактикасида амалий аҳамият касб этади дейиш мумкин [5].

Яхши биламиз-ки, ерларни ҳимоя қилишда қонун кучидан фойдаланиш, айбдорларга қонуний чораларни қўллаш самарали натижа беради. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-708-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги ер ҳуқуқбузарлиги учун жазо чораларини кўзда тутувчи бир қатор нормаларига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 197¹-моддасининг (ушбу моддада сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик учун жавобгарлик белгиланган) биринчи қисмининг диспозицияси янги таҳрирда, қуйидагича: «Сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса» баён этилди. Моддага киритилаётган ўзгартириш “шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича” жумласи бўлиб, бу орқали қонунчи ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги ҳолати бўйича тегишли органларга хабар бериш вазифасини ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачига юкляпти. Қонунчиликдаги бу ўзгариш сўзсиз амалий аҳамият касб этади. Чунки, ерга нисбатан бўлаётган тажаввузни ерга яқин бўлган инсонлар, яъни уни фойдаланувчилари яхши билади. Афсуски, айрим ҳолларда айнан шу шахслар

ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига хайрихохлик қиладилар. Қонунчиликка киритилаётган бу ўзгартириш ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига қарши курашда ер эгалари масъулиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, 197¹-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари санкцияларига ҳам ўзгартиришлар киритилиб, жарима жавобгарлик жазо чоралари кучайтирилганлигини кўришимиз мумкин. Модданинг биринчи қисми санкциясида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг «юз бараваридан бир юз эллик бараваригача» миқдордаги жарима «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» миқдорда ўзгартирилган. Шунингдек, модданинг иккинчи қисми санкциясидаги «бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача» жарима жазоси «тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» миқдорда ўзгартирилган. Кўриниб турибдики, сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганликлари учун ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачиларнинг жавобгарлиги кучайтирилган.

Жиноят кодексининг 229¹-моддаси ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кўзда тутди. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сон қонуни билан ушбу модда ҳам янги тахрирда қуйидагича баён этилди [3]:

“Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сугориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, - базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахсга нисбатан, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди”.

Ушбу модданинг янги тахриридаги асосий ўзгартиришлар нималардан иборат. *Биринчидан*, 229¹-модданинг биринчи қисми диспозициясида нафақат, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун, балки “ер

участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан” фойдаланганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда. Бу ҳолатлар учун жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши натижасида вужудга келиши кўрсатилиб, айбдорга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиши мустаҳкамланган.

Иккинчидан, ушбу модданинг иккинчи қисмида алоҳида муҳофаза этиладиган сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик белгиланган бўлиб, “Сугориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш” жиноятини кўзда тутаяпти. Модданинг ушбу қисмининг санкциясида айбдорлар базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Қўриниб турибдики, сугориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун, бундай ҳаракатларни содир қилганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши талаб этилмаяпти. Чунки, ушбу қисмда кўзда тутилган жиноят сугориладиган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтирилиши ерларни, айниқса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак-ки, Ўзбекистон Республикаси қонунлари инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Жиноят кодекси ҳам бундан мустасно эмас. Муҳокама этилаётган, Жиноят кодексининг 229¹-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, биринчи марта жиноят содир этган шахс ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда қайтарилишини таъминласа, яъни қайтариб берса ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сон қонуни асосида Жиноят кодекси янги, 229⁶-модда билан тўлдирилди. Ушбу модда “Сугориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш”

ҳолатлари бўйича жавобгарликни кўзда тутиб, қуйидаги тахрирда баён этилди [3]:

«Сугориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга ҳилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш, - базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, - базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ерларга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;
б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан, агар у ер участкасининг қайтарилишини ҳамда ернинг кишлоқ хўжалиги оборотига киритилишини таъминласа, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди».

Ушбу модда кишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерларни Ер кодексида мустаҳкамланган ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар (шу ўринда айтиб ўтиш лозим сугориладиган ерлар кишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига мансуб бўлиб, ер қонунчилигида алоҳида ҳуқуқий муҳофаза қилинади) хусусийлаштирилмайди, олди-сотти қилинмайди. Жиноят кодексига киритилган 229^б-модда мазмунидан кўриниб турибдики сугориладиган ер участкасига бўлган ҳуқуқни сотиш, қонунга ҳилоф равишда ўзга шахсга бериш жиноят ҳисобланади.

Юқоридагиларда хулоса қилишимиз мумкин, давлатимиз ерларни, хусусан унумдорлиги билан ер фондининг энг қимматли участкаси ҳисобланадиган

сугориладиган ерларни муҳофазасини кучайтирмоқда. Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтирилиши бундай ҳолатларга нисбатан давлатнинг мурасимсиз муносабатда бўлишини билдиради. Демак, ер қонунчилигини бузишнинг ҳар қандай кўриниши огир жиноий ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Бу эса биздан ерларимизга ва қонунларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
4. “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-708-сон қонуни 16.08.2021й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида” ПФ-5421-сон фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон фармони “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”
7. Ер ва кадастр назорати бўйича олиб борилган ишлар. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ахборот хизмати маълумоти. (<https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1035>).